

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**519** Вазирлар Маҳкамасининг «Ташқи савдо операцияларини амалга оширишда хорижий валютадаги маблағлардан фойдаланиш устидан назоратни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 13 мартдаги 95-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Импорт операцияларини янада тартибга солиш ва уларнинг ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан назоратни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ташқи савдо операцияларини амалга оширишда хорижий валютадаги маблағлардан фойдаланиш устидан назоратни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 13 мартдаги 95-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари бир ой муддатда ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирилсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 13 декабрь,
329-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 13 декабрдаги 329-сон қарорига
ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг «Ташқи савдо операцияларини амалга оширишда хорижий валютадаги маблағлардан фойдаланиш устидан назоратни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 13 мартдаги 95-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 1-банднинг биринчи хатбошидаги «Давлат солиқ қўмитасига» сўзлари «Давлат божхона қўмитасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 1-илованинг 25-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«25. Товарларнинг республикага келтирилиши ва эркин муомалага чи-

қариш режимига расмийлаштирилиши, импорт контрактлари бўйича ишларнинг бажарилиши ва хизматлар кўрсатилиши ёки улар учун тўланган пул маблағларининг қайтарилиши таъминланмаганлиги куйидаги ҳолларда:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларига мувофиқ амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида тузилган контрактлар бўйича ёки контрактлар Маҳсулот тақсмотига оид битимларни амалга ошириш доирасида Бошқарувчи қўмита томонидан тасдиқланган тақдирда — импорт контрактларида белгиланган товарларни етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) муддатлари тугагандан кейин;

бошқа импорт контрактлари бўйича — олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 180 календарь кун ўтгандан кейин тўлов муддати ўтказиб юборилган дебитор қарздорлик ҳисобланади.

Олдиндан тўлов амалга оширилган санадан кейин импорт қилувчи корхона томонидан ушбу банднинг иккинчи ва учинчи хатбошида белгиланган муддатлар мобайнида ваколатли банкка божхона хизматларининг товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига келтирилганлиги тўғрисида тегишли белгилари қўйилган карточка, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича эса — инвойслар, счёт-фактуралар, бажарилган ишларнинг далолатномалари тақдим этилмаган тақдирда ваколатли банклар импорт қилувчи корхона давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига ўн кун муддатда тегишли ахборот юборадилар».